


БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, МУХТАРАМА ОНАЛАР, АЗИЗ ОПА-СИНГИЛЛАР!



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2006 йил, 7 март, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 45 (10.602)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ЎРТАСИДА ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА ШАРТНОМАНИ (МОСКВА, 2005 ЙИЛ 14 НОЯБРЬ) РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ҲАҚИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 27 январда қабул қилинган
Сенат томонидан 2006 йил 25 февралда маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида Шартнома (Москва, 2005 йил 14 ноябрь) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 6 март

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар Олий мажлис Қонунчилик палатасининг Президент Исрол Каримовнинг Олий Мажлиси Сенати бешинчи ялпи мажлисидаги ҳамда Вазиirlар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаларидан келиб чиқадиган вазифаларни муҳокама қилдилар.

● Кеча «Адолат» социал-демократик, Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати—Ўзбекистон Либерал демократик, Фидокорлар миллий - демократик ҳамда «Миллий тикланиш» демократик партияларининг Қонунчилик палатасидаги фракция йиғилишлари бўлиб ўтди.

● Тошкентда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг «Талабалар ташаббуси» форуми бўлиб ўтди.

● Урганч шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий вилоятлари халқ таълими соҳаси вакиллари иштирокида «Модернизация қилинган ўқув дастурлари ва дарсликларни тажриба-синовдан ўтказиш натижалари» мавзусида республика худудий семинари ўтказилди.

● «Ташаббус-2006» Республика кўрик-танловининг Тошкент ҳамда Самарқанд вилоят босқичлари бўлиб ўтди. Ғолиблар республика босқичида катнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

● Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг навбатдаги сессиясида вилоятда қонунийликни мустаҳкамлаш ва жиноятчиликка қарши кураш масалалари муҳокама қилинди.

ЖАҲОНДА

● Кеча Австриянинг Вена шаҳрида МАГАТЭ бошқарувчиларининг Кенгаши бошланди. Кенгашда асосан Эроннинг ядро дастури муҳокама қилинмоқда.

● Доғистон халқ мажлиси Шамиль Зейналовнинг республика ҳукумати бошлиғи этиб сайланишига розилик билдирди. Бунинг учун сессияда иштирок этган 109 нафар депутатнинг барчаси қўллаган ҳолда овоз берди.

● Эрон Олий миллий хавфсизлик кенгаши котиби, ядро музокараларидаги асосий шахс Али Ларижонийнинг баёнотида кўра Эрон раҳбарияти агарда ядро тадқиқотлари ўз мамлакатида давом эттирилса, урани бойиштириш жараёнини вақтинча бошқа давлатга кўчиришга тайёр эканлигини билдирган.

● Окинава (Япония)даги Гинван шаҳрида 35 минг кишилик митинг бўлиб ўтди. Йиғилганлар Американинг Футэмма денгиз-пиёда кўчирилари базасини зудлик билан ёпиш ва орол худудидан ташқарига чиқариб юбориш талаби билан чиқишди.

● Кеча Новосибирскдаги оилавий ётоқхонада чиққан ёнғин оқибатида 4 киши ҳаётдан кўз юмди. Бу ушбу ётоқхонанинг кейинги 4 йил ичида тўртинчи бор ёнишидир.

● Баҳор келганига қарамай Германия, Италия, Австрия, Швейцария ва Францияда кучли қор бўронлари давом этмоқда. Бундай кескин об-ҳаво натижасида ушбу мамлакатларда 17 киши ҳаётдан кўз юмди. Францияда поездлар ҳаракати издан қикди. Швейцариянинг Базел ва Цюрих шаҳарларида жамоат транспорти ҳаракати тўхтади. Аэропортларда қатор рейслар бекор қилинди.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 8 март кун Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёнғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 1-3, кундузи 13-15 даража иссиқ бўлади.

ДУНЁДА ЭНГ НАФИС, ЛАТОФАТЛИ ЯГОНА БИР ХИЛҚАТ БОРКИ БУ — АЁЛДИР. ҚАЛБИДАГИ ҚАЙНОҚ МЕҲРНИ ҚУЁШ ТАФТИГА, ПОКИЗА СЕВГИСINI БУЛОҚ СУВИГА, ШОДОН КУЛГУСINI ЖЎШҚИН ШАЛОЛАГА ҚИЁС ЭТИШ МУМКИН. ДАРҲАҚИҚАТ, БУ ДУНЁДА АЁЛ МЕҲРУ МУҲАББАТИДАН БУЮК ТУЙҒУ БЎЛМАСА КЕРАК.



БАРЧА ШОДЛИК СИЗГА БЎЛСИН...



Аёлларга ҳамма замонларда ҳам чуқур эҳтиром кўрсатиб, эъзозланган. Негаки оилада моддий неъматларни яратиш эркак кишининг, маънавий неъматларни яратиш эса аёлларнинг зиммасидадир. Шундай экан аёллар зиммасида катта вазифалар мавжуд. Хар йили 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунин аёл шаънини шарафловчи, секинчу шодлигини тараннум этувчи баҳорий ёрқин ва қутлуғ байрам сифатида нишонланади.

Дунёни гўзалликка буркаган, фарзандлар камоли, оила саришталиги, тинчлиги, бахту саодати учун бор гўзаллигини, меҳрини, куч-қувватини, ҳатто жонини беришга тайёр турган ҳам мунис, меҳрибон, дилбар аёллар, оналардир. Шу боис Аёл борки олам мунаввар, аёл борки оилаларда файз-барака, хотиржамлик, бахтиёрлик ҳукмрон. Севимли шoirимиз Эркин Воҳидов ҳам аёлларни мадҳ этиб шундай сатрларни битган:

Оламда аёл мадҳига
достон тугамайди,
Чун ишқ тугамас дилдаги армон тугамайди.

Аёл ишқ муҳаббат, садоқат, вафо, нафосат рамзидир. Шу билан бирга Аёл — меҳрибон она. У келажак авлодини яратувчи буюк зот. Агар аёл ҳаётда ҳам жисмонан, ҳам маъ-

нан соғлом бўлса, демек жамият соғлом бўлади. Чунки келажак меваси бўлиши фарзандлари она яратди ва дунёга келтирди. Улар бошланғич таълим-тарбия ва одоб-ахлоқни оилада ота-онаси, кекса молаларидан ўрганадилар. Шундай экан келажак авлодининг солиҳ бўлиши бугунги кун аёлларининг солиҳа бўлишларига хар жихатдан боғлиқ.

Шуни қувонч билан айтиш керакки, мустақиллик туфайли хотин-қизлар мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг фаол иштирокчиларига айланишди. Бугунги кунда мамлакатимизнинг турли соҳаларида раҳбар аёллар, олимпиадалар, тадбиркорларнинг фаолият юритаётгани, уларнинг сонин йилдан йилга ошиб бораётганлигини фарҳансак арзийди. Яна шу нарса маълумки, бугунги кунда ўзбек аёлининг қадри баланд. Ҳеч бир мамлакатда аёлларга бунчалик эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмайдиган жумладан, Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳам мамлакатимизда хотин-қизларга бўлган эътиборнинг бир намунаси-

дир. Ушбу Фармонга жавобан хотин-қизларнинг жамият ҳаётида фаоллиги тобора ошмоқда. Юртимизда барча жаҳалларда олиб борилаётган ислохотлар жараёнини халқнинг, айниқса аёлларнинг турмуш даражасини оширишга йўналтирилмоқда, ҳусусан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хар томонлама етук баркамол авлодини тарбиялаш ва оилага қайтириш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилган. Буларнинг бари давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Президентимизнинг хар бир йилга ном беришларида ҳам чуқур маъно бор. Хар бир йилнинг номи аёллар билан узвий боғлиқ эканлигини ҳам эътироф этиш керак, албатта. Негаки аёл бир қўли билан дунёни, бир қўли билан бешикни тебратмоқда. Бугун туғилар беором бешик тебратган, илмий изланишлар қилган, фарзандларини ўқитиб маърифатли қилган, жон олиб жон бераётган беморлар қошида фариштадек парвона аёл — зукко ва шижоаткор санамларнинг байрами.

Шундай қутлуғ айём арафасида тилагимиз ўзбек аёлининг қадри ҳаминча баланд бўлсин, оиласида доимо сеvimли ёр, меҳрибон она, бахтли бека бўлиб юришлик nasib этсин.

Дилором ИКРОМОВА

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
халқ шоири
ЁЗГИН, ДЕДИЛАР

Шоир бир шеърда
куйлади гулни,
Уни ўқиганлар: —
Такрор — дедилар.
Яна бир шеърда ёзди
булбулни,
Уни ҳам: — Бу эски
ашбор, — дедилар.

Шоир кунларини улади тунга,
Борлиқни васф этиб
айлади хониш.
Парво қилмадилар барибир унга,
Дедилар: — Бу гаплар
барчаси таниш.

Шоир шеър тўқиди
севсига доир,
Гўё муҳаббатнинг
ўтли бахшиси,
Дедилар: — Бунинг ҳам,
эй ошиқ шоир,
Ёрининг ўзига ўқи яхшиси.

Наҳот одамларда
сўнган ақида,
Наҳот шеър йўлида
озин, дедилар?
Шоир шеър ёзгани
Она ҳақида,
— Ёзавер, дедилар,
ёзгин! — дедилар!

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Кечаси сатрларда

● БУГУН Шайхонтохур туманидаги «Тинчлик» маҳалласида туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлиmlлари ҳамкорликларида ўтказилган тадбир «Онахонлар—маҳалланинг руҳий таянчи» деб номланди.

● БУГУН Сергели туманидаги «Нилуфар» маҳалласида туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлиmlи ҳамкорликларида «Жаннат оналар оёғи остидадир» мавзусида уюш-

тирилган давра суҳбатида фаол аёллар иштирок этишди.

● БУГУН Бектемир туман марказлашган кутубхоналари тизимининг 5-кутубхонасида уюштирилган «Муқаддас аёл» мавзусидаги кўрик-танловда «Бинокор» маҳалласи ёшлари иштирок этишди.

● БУГУН Юнусобод туманидаги «Бободехқон» маҳалла гузариде туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлиmlлари ҳамкорликларида Ўзбекистон халқ артистлари Гулчехра Жамилова, Гулчехра Саъдуллаева билан ижодий учрашув уюштирилди.

● БУГУН Ўзбекистон Байналмилал маданият марказида 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб «Маънавият ва маърифат» марказининг Яққасарой туман бўлими, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси Аёлларнинг сиёсий фаоллигини, жамиятдаги ўрни ва маъқеини ошириш бўлими ҳамкорликларида тадбир ўтказилди.

● БУГУН Ҳамза темир йул касб-хунар коллежида «Камолот» ЕИХ Ҳамза туман бўлими етакчилар кенгаши ташаббуси билан 8 март—Халқаро хотин-қизлар кунига бағишелаб «Айёмингиз муборак, азиз аёллар!» мавзусида ўтказилган тадбирда ўқувчилар, ота-оналар иштирок этишди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва
ўз мухбирларимиз
хабарларидан.

“ТОШКЕНТ РОМАНИ”ГА ОЛИЙ МУКОФОТ

МОСКВАДА 2005 ЙИЛНИНГ СЕНТЯБРЬ ОЙДА ТАЪСИС ЭТИЛГАН “РУССКАЯ ПРЕМИЯ” ХАЛҚАРО АДАБИЙ ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИНИ ТАҚДИРЛАШГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА МДХ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ТАНИҚЛИ ЁЗУВЧИЛАРИ, ИЖОДИЙ ДАРҒА ҲАМДА РОССИЯ ИШБИЛАРМОН ДИРАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ҲОЗИР БЎЛДИЛАР.

Адабиёт соҳасидаги маъкур янги мукофот Марказий Осиё ва Кавказортида яшаб, рус тилида ижод қилаётган насрий асарлар муаллифларига хар йили топширилади. Танловдан қўзланган мақсад МДХ худудидаги маданиятнинг ўзига хос кўриниши бўлган рус тилини сақлаш ҳамда Кавказорти, Марказий Осиё, Қозоғистон ва Россия Федерацияси мамлакатлари халқлари ўртасидаги гуманитар

бирлики қайта тиклашдир. Танловнинг ҳакамлар хайвати таниқли ёзувчилар, танқидчилар, МДХ мамлакатлари ноширларидан иборат. Унинг раиси—Чингиз Айтматов.

Ўзбекистонлик ёш ёзувчи Евгений Абдуллаев (адабий тахаллуси Сухбат Афлотуний) “Тошкент Романи” асари билан танловнинг олий мукофотига лойиқ топилди. Ғолибга мукофотни топширар экан, Ч.Айтматов Е.Абдуллаев айна пайтда МДХ худудидаги энг ёш иқтидорли ёзувчи эканлигини кайд этди.

Хайъат аъзоси, Россия Федерацияси президенти маъмуриятининг минтақалараро ва маданий алоқалар бўлими бошлиғи М.Колеровнинг айтишича, Е.Абдуллаев ҳақли равишда ўзининг бетакрор иқтидори учун ушбу танлов ғолиби бўлганини таъкидлар экан, овоз бериш чоғида унинг номзодига энг юқори баҳо қўйганини маълум қилди.

“Тошкент Романи” ҳадемай Москвадаги “Амфора” нашриётида чоп этилади.

Музаффар ЗОХИДОВ,
“Жаҳон” АА муҳбири. Москва

Аёл борки, олам мунаввар

Дил изхори

● **Зирид Муҳаммадзонов,** Ўзбекистон Кахрамони, Ўзбекистон халқ артисти:

— Аёллар бизнинг борлигимиз, борлигимиз бебаҳо бойлигимиздир. Мен кўп вақтлар шу улуг кўнларда уларни табриклар шундай дейман. Аёллар! Сиз оиланинг кўрки, оламнинг зебисиз. Доимо бизнинг бахтимизга соғ-омон бўлинг. Юрган қадамларингизда гуллар усин, лабингиздан кўлгу ва табасум аримасин. Дунёнинг ҳар бурчагида сизнинг шодон кўлгуларингиз жарангласин. Оиланинг устунлари бўлмиш эркаклар эса, Сизлар доимо суяниб, таяниб яшайверсинлар. Байрамнинг муборак, азиз Аёллар!

● **Нозим Отамухаммедов,** Тошкент телеиндораси директори, техника фанлари номзоди:

—Дунёнинг боқирлиги, тинч-тотувлиги, файзу таровати вафо ва садоқати аёллар билан уйғундир. Аёл уларни яратди, асрайди, авлоддан-авлодга ўтказди. Шунинг учун ҳам аёл муқаддасдир. Мен яқинлашиб келаятган Халқаро хотин-қизлар байрами 8-март билан юртимиздаги барча мунис онахонларни, дилбар ва латофатли опа-сингилларни чин кўнгилдан табриклайман. Улар ҳаммаша атиргул янглиг яшнаб ўзларидан ифторлар таратиб юраверсинлар. Аёл тўқислиги, аёл бахти уларнинг ўз қўлида. Шундай экан бахтинингизнинг бутунлиги ҳаммаша бўлсин. Бахтимизга доимо соғ-омон бўлинглар.

Кўнгилдан кечган бу фикрларни Учтепа тумани «Бешқайрағоч» маҳалласида истиқомат қилувчи Муҳаррам ая Қорабоевнинг уйига борганимда туйдим. 95 ёшни қаршилайётган бу мунис, пиру бадавлат онахон билан суҳбатлашганимдан хурсанд эдим. Бизни маҳалла котиби Маҳкам ая ва маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Маҳфуза опа файзли хонадонга бошлаб борди. Шинам ва ораста хонада бизни онахоннинг 57 ёшли кенжа ўғиллари Шухрат ака қарши олдилар.

— Ойи, сизни йўлаб келишибди газетадан. — Муҳаррам ая биз билан меҳр билан сўрашиб Президентимиздан тортиб то янги туйилган чақалокларга дуо қилдилар. Дийримизга равнақ, юртимизга тинчлик, халқимизга омонлик ва соғлик тилдилар. — Онахон, мана 8-март— Хотин-қизлар байрами ва Наврўз айёми яқинлашмоқда. Хар иккала айём билан кўтлаймиз. Шу байрамлар ҳақида, ўзингиз тўғрида сўзлаб берсангиз, — дея мурожаат қилдим аяга.

— Уйлаб қарасам умр гўё бир эшикдан кириб, наригисидан чиқиб кетгандай ўтиб кетибди, — деди онахон ҳаёл кўзлари билан алланималарни кўргандай. — Зап замоналар эди-да, биз яшаган вақтлар, аммо кийинчиликлар кўп эди. Э, ўша пайтларда эркимиз ўзимизда эмасди, эмин-эркин юра олмасдик, бир бурда нонга зор бўлган пайтларимиз кўп бўлган. Аммо баҳор келиши билан қалбимиз севинчга тўларди. Ха, бизнинг давримизда ҳам 8-март байрами нишонланарди, отамиз қийиқчаларида майизи, туршакми олиб келардилар, Наврўзда эса ҳаммамизга имонлари етгунча янги сарполар олиб берардилар. Қошларимизга ўсма, қўлларимизга хина қўйиб, сочларимизга тол барглари-ю гулу чечаклардан гулчамбарлар ясаб кийиб оларди. Болалигим ҳам тушдек ўтиб кетди. Қайнота ва қайно-

Пиру бадавлатларимиз

КўТЛУҒ ХОНАДОННИНГ ФАЙЗЛИ ФАРИШТАСИ

ОЛАМНИНГ ЯШАРИШИ ВА ЯШНАШИ АЁЛ ҚАДАМИДАН БОШЛАНДИ. ШУНИНГ УЧУН ҲАМ ЯРАТГАННИНГ АЁЛГА МЕҲРИ БЎЛАКЧАГА ЎХШАЙДИ. ЧУНКИ, УНГА ҲАММА НАРСАНИ КЎПРОК-ҚАРОҚ БЕРГАН. ҚАЙНОҚ МЕҲР УЧУН САҲИЙ ҚАЛБ, ЧИДАМ-САБР УЧУН МЕТИН ИРОДА, ҲАРОРАТЛИ МУҲАБАТ УЧУН ИНТИҚЛИК, ИЗТИРОБ, ЧЕКСИЗ-ЧЕГАРАСИЗ САДОҚАТ. УМРИ УЗУНЛИГИ ҲАМ МУҚАДДАС БУРЧИГА БЎЛГАН АЛЛОҲНИНГ МАРҲАМАТИ ЁКИ ТУҲФАСИ БЎЛСА КЕРАК.

нам ўқимишли, олийҳиммат инсонлар эди, улардан жуда кўп нарсани ўргандим. Охиратлари обод бўлсин, ҳўжайимин билан уч нафар фарзанд кўрдик, улар жуда эрта оламдан ўтдилар. Мен қайта турмуш қурмадим, болаларимни оқ ююб, оқ тардим, ўзим кийнасамда, уларни олий маълумотли қилдим. Бугунги кунда 20 улаф на-

70 ёшда кичик ўғиллари Шухрат ака эса 57 ёшда бўлиб, онахон берган сабоғу ўғитлар, панд-насиҳатларга амал қилиб умргузаронлик қилмоқдалар.

«Қариси бор уйнинг париси бор» дейди халқимиз. Назаримизда бу файзли уйнинг ҳар бир бурчагидан ҳалоллик фаришталари, меҳр парилари тинмай учиб-қўниб юргандай.

уларнинг маслаҳатига доимо амал қилади. Шундай фариштали онахонимиз борлигидан фахрланамиз, албатта, доимо аҳволларида хабар олиб турагимиз. Шу кесаларимиз ганиматдир биз учун, уларнинг қадрига етиш эса шарафли бурчимиздир.

— Ойи, шёрларингиздан ўкиб беринг, — дея илтимос қилди ўғиллари Шухрат ака.

— Майли ўкиб бераман, дея онахон майин, ширали овозда шёр ўкиб бошладилар:

Эй кўнгул, жонинг ая, нодонга улфат бўлмагин, Хар масаллик фикри йўқ хайвонга улфат бўлмагин. Туну кун фикру уйи ичмоқ, емоқнинг қасдида, Дов-дарахт бағридаги кирмонга улфат бўлмагин. Муҳаррам ая анча шёрлар ўқидилар. Биз шёр оҳангига сархуш бўлдик. Фикри тиник, ўй-халларни бутун, кўнгли ёруғ, хуш-чақчақ онахоннинг дуосини олиб хайрлашарканман, жаннати аёл деган сўзинг маъносини теранроқ англаб бошладим. Бу кўтлуғ хонадондан қайтар эканман, илоҳим умрингизнинг ҳар бир лаҳза-си сизга шодликлар, қувончлар улашаверсин, ҳаётингиз йўллари нури бил мактаб, ифтихорга тўлиқ бир китоб бўлсин, онахон, дея ният билдирдим.

Гулчехра ДУРДИЕВА СУРАТДА: Муҳаррам ая Қорабоев яқинлари даврасида



бирам бор, уларнинг 15 нафари олий маълумотли, 2 та чеварам ҳам бор илоҳим шуларнинг ёмон кунини кўрмайин, болам. Юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин бўлсин. Баҳор қадамларида тинчлик, омонлик, кут ва барақа олиб келисин... Аянинг катта ўғиллари Жалил ака 76 ёшда, қизлари Муҳаррам опа

— Бу хонадоннинг осойишталиги, оила аъзоларининг бир-бирига меҳр-муҳаббатини шу онахон боис деб биламиз, — дейди маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Маҳфуза опа. — Улар жудаям меҳрибон, оқила, доно аёллар. Маҳалла аҳли ҳам

«АТИРГУЛ» ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

ЎЛКАМИЗНИ ГЎЗАЛЛИККА, НАФОСАТГА БУРКАГАН ФУСУНКОР БАҲОР ФАСЛИ АЁЛЛАРГА ҲАМ ТЕНГСИЗ ЧИРОЙ, ЛАТОФАТ БАХШ ЭТМОҚДА. БАҲОР ВА АЁЛ БИР-БИРИДАН АНДОЗА ОЛАДИ, ДЕСАК АДАШМАЙМИЗ. БАҲОР АЙЁМИ БИЛАН ХОТИН-ҚИЗЛАР БАЙРАМИНИНГ БИРГАЛИҚДА НИШОНЛАНИШИДА ҲАМ ЎЗГАЧА МАЪНО МУЖАССАМДИР.

тирган «Журналист аёллар клуби» мана бир неча йилдирки, самарали фаолият олиб бормоқда. Мазкур клуб томонидан ташкил қилин-

ми, хотин-қизлар байрами билан кўтлади. Шунингдек, тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг раиси Ф. Абдурахимова сўзга чиқиб, ўткир калам соҳибалари, унинг байрам билан муборакбод этди. Шундан сўнг «Атиргул» танлови ғолибларига эсдалик совғалари топширилди.



ган «Атиргул» танлови ҳар йили 8 март — Хотин-қизлар байрами арафасида ўтказилиб, ғолиблар тақдирланади. Хар йилги аънамага кўра кунча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Атиргул — 2006» танлови ғолибларини тақдирлаш бўйича тадбир ўтказилди. Тадбирни Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси бошқаруви раиси Шерзод Фуломов очиб, барча аёлларни баҳор айё-

Тадбирда шунингдек, таниқли журналист Санъат Маҳмудованинг «Мен кўрган одамлар» китоби ҳамда сеvimли шоиримиз Зулфия ижодига бағишланган «Тонгнинг ўзидай пок ва ёрқин» номли тўпламининг тақдирланиши бўлиб ўтди. Тадбирда сўз олганлар ушбу китоблар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Шоира Зулфия ҳақидаги хотираларини ёдга олдилар. Хотин-қизлар байрами билан бир-бирларини кўтлаб, ўз ижод намуналаридан ўқидилар. Тақдимот сўнгида бир пиёла чай устида куй-қизиққа уланиб, гўзал рақслар ижро этилди.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТДА: танловдан лавҳа

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ КЎПЧИЛИККА СЕВИМЛИ ОТАХОН ТЕАТРАМИМИЗДАН САНАЛАДИ. БУ КЎТЛУҒ ДАРГОҲДА ҚАНЧАДАН-ҚАНЧА БЕТАКРОР ИСТЕЪДОД ЭГАЛАРИ, ТАНИҚЛИ САҲЪАТКОРЛАР ИЖОД ҚИЛИБ МУҲЛИСЛАР КАЛБИДАН ЖОЙ ОЛГАНЛАР.



САҲНА МАЛИКАЛАРИ БАЙРАМ ТОМОШАСИДА

Хозирги кунда бу даргоҳда устоз санъаткорлар изидан бориб, уларнинг аънаваларини давом эттириб келаятган, саҳна томошаларининг қизиқарли ва мазмунли кишидаги муносиб ҳисса қўшиб келаятган халқимиз ардоғидаги сеvimли санъаткорлар, режиссёрлар кўпчилигини ташкил қилади. Айниқса бугунги кунда театр жамоасида ижод қилаётган истеъдодли санъаткор аёллар гуруҳини ҳаммамиз яқин биламиз. Улар айни кунда ўзларининг бор маҳоратларини ишга солиб, мазмунли ва долзарб мавзудаги йирик саҳна асарларини ижро этиб санъатсевар муҳлисларни шод этмоқдалар. Шу билан биргаликда улар нафақат театрда, балки пойтахтимизда ўтказилган турли байрам тадбирлари, танловлар дейсизми, кон-

церт дастурларини олиб боришда ҳам фаол иштирок этишмоқда. Шунингдек, бу саҳна маликалари шодийна кўнларимизни қизиқарли, мазмунли ўтказишда давраларга фойз киритиб қалбларимизга қувонч улашмоқда. Сиз уларни яқин танийсиз. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Саида Раматова, Раъно Ярашева, Зўҳра Ашурова, Муқаддас Ҳолиқова ва бошқа аёлларнинг номларини қайд этиш мумкин. Сиз уларни кейинги вақтларда театр репертуаридан муносиб жой олган «Чимилдик», «Қаллик ўйин», «Андишли келинчақ» ва турли хил театрлаштирилган томошалардаги ижроларини қизиқиб томоша қилгансиз. Яқинда театр саҳасида 8-март — Хотин-қизлар байрамига бағишланган «Шунчаки хазил» деб номлан-

ган театрлаштирилган томоша намойиш қилинди. Ушбу томошадан театрнинг гўзал ва дилбар аёллари иштирокидаги қизиқарли саҳна томошалари кўпчиликлари манзур бўлди. Шунчаки хазил, «Утелерадиокомпаниянинг «Тошкент» канали ходими Марат Асадулаев мазкур театр билан кўп йиллардан буён ҳамкорлик қилиб, байрам томошаларини, қизиқарли спектакллари халқимизга етказишда самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. «Шунчаки хазил» деб номланган томоша ҳам ушбу ижодий ҳамкорликнинг янги меваси бўлди.

Гулором ХАМИДОВА СУРАТДА: Ўзбек Миллий академик драма театрининг «саҳна маликалари». Раҳмонбек Исмолов онал сурат

АЁЛГА ЭҲТИРОМ

АЙНИ КўНЛАРДА РЕПУБЛИКАМИЗДА 8-МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР БАЙРАМИ КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА. ЖУМЛАДАН, ХОТИН-ҚИЗЛАР БАЙРАМИГА БАҒИШЛАБ МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚИ ТЕАТРИДА УЧ КҮН МОБАЙНИДА ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ВА КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ҲАМКОРЛИГИДА ЎТКАЗИЛГАН БАЙРАМ ТАДБИРИ «СЕН АЗИЗ ВА МУҚАДДАСАН, АЁЛ» ДЕБ НОМЛАНДИ.

Байрам тадбирига шаҳримиздаги соғлиқни сақлаш, халқ таълими ҳамда коммунал-маиший хизмат соҳасида самарали фаолият кўрсатиб келаятган, ўз касбига меҳр қўйган жонқуяр ва фаол аёллар, фахрийлар йиғилдилар. Уларнинг чеҳраларида бахтиёрлик, қалбларида фخر-ифтихор туйғулари яққол намоён бўлди. Дарҳақиқат, бугунги кунда хотин-қизларга ҳўқуматимиз томонидан катта рағбат қўрсатишмоқда. Бунга ҳар биримиз кўриб гувоҳи бўлмоқдамиз.

Байрам тадбирида сўзга чиққанлар ҳам мазкур соҳада фаолият олиб бораётган хотин-қизлар меҳнатини юксак баҳрлаб, уларнинг барчаларини байрам билан муборакбод этдилар. Шунингдек соғлиқни сақлаш, халқ таълими, коммунал соҳаси ходимларининг фахрийлари ва фаолларига ташкилотчилар ҳамда ҳўжийлар томонидан байрам совғалари, гулдасталар топширилди.

Тадбир сўнгида аёлларга байрам тўғриси сифатида мазкур театр томонидан саҳналаштирилган «Супер қайноча-2» ва «Жайдари келин» спектакллари намойиш қилинди.

Шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, ХДП шаҳар Кенгаши ташаббуси билан байрам

Назм

БОШИМИЗДА ТЕНГСИЗ ОСМОНСАН

Олоҳ мўъжизаси, моҳисан аёл, Шодлик маликаси, шоҳисан аёл, Буюк-буюқликда сенинг тенгши йўқ, Оламнинг бахтисан, тожисан аёл.

Бошимизда тенгсиз осмонсан ўзинг, Сенга ҳаёт ҳаёт, замонсан ўзинг. Одамзотнинг ярми аёл бўлса гар, Қолган ярмин яратган инсонсан ўзинг.

Сен билан топагимиз ёруғлик, камол, Ишқда саждагоҳсан, эй соҳибжамол, Яралсансан фақат муҳаббат учун, Ҳар қалбага ҳокими мутлоқсан аёл!

Мухаммад ИСМОИЛ

Иқтисодиёт

ҚАЙТА ЖИҲОЗЛАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ХАРИДОРЛАР САФИНИНГ КЕНГАЙИШИ АВВАЛО СИФАТ ҲАМДА ЯНГИЛИККА БОҒЛИҚЛИгини ЯҚШИ АНГЛАГАН «SUVMASH» ОЧИҚ АКЦИЈАДОРЛИК ЖАМИАТИ РАҲБАРИЯТИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЙИЛДАН-ЙИЛГА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА САМАРАЛИ САБЪ-ҲАРАКАТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРМОҚДА.

2001 йилдан россиялик ҳамкорлар кўмағида замонавий технологик линияларни жамият цехларига келтириб ўрнатдилар, яъни инвесторлар ажратган 1 миллион 166 минг АҚШ долларига заводда кенг миқёсда қайта жиҳозлаш ишлари давом этмоқда. Эътиборли томони, реконструкция ишлари билан бир қаторда ишлаб чиқариш жараёни бир кун ҳам тўхтатилмади.

Сифатли, рақобатбардод махсулотлар асосан нафақат республикамиз буюртмачиларига, балки Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ҳамда Россия давлатларига ҳам экспорт қилинмоқда.

Қувонарлиси, йирик корхонанинг жамият бозорига аъзолари насос станцияларига қарашли насос, электротехник, гидротехник дастгоҳ ҳамда ускуналарни капитал, жорий ва профилатик таъмирлайдилар. Шунингдек, вертикал дре-нажерларга ҳам хизмат кўрсатилади, бутловчи қисмлар тайёрланади.

ХУНАРНИНГ КЎЛИ ГҮЛ

ЎЗ МАҲОРАТИ ИЛА ҚАЛБ КЎРИ ҚЎШИЛИБ ТАЙЁРЛАНГАН МАҲСУЛОТЛАР БАРЧАНИ МАФТУН ЭТИБ, ЗАВҚ БАҒИШЛАЙДИ. ХУНАРНИ МУКАММАЛ ЭГАЛЛАГАН УСТА АЛЕКСАНДР ФИЛИПКОК САҲЪАТ ДАРАЖАСИГА ЕТКАЗИЛГАН АНА ШУНДАЙ АСАРЛАРИ БИЛАН ХУНАРМАНДЛАР ОРАСИДА АЛОҲИДА АЖРАЛИБ ТУРАДИ.

Ҳар бир хунарнинг ўзига яраша сир-асрорлари бўлгани каби темирчи устанинг касб-маҳорати, интилиши, ташаббускорлиги муваффақиятлар сари руҳлантириди. Тайёрлаган ҳар бир маҳсулотига (улар бугунги кунда 100га яқини ташкил этмоқда) аънавийлик билан замонавийлик ўзаро уйғунлашиб кетган. Шу боис уста хунарданд ишлари нафақат туманда, балки шаҳар ва республика миқёсда ўтказилган кўрик-танловларда ҳам кўп бор эътироф этилган, маҳорати кўпчиликка завқ-шавқ улашган.

Айниқса, Филиппокнинг нозиктаб мижозларга хуш ёқувчи шамдон, қандил, бра, торшер, панжара каби кўплаб маҳсулотлари беқўёс хунардан ёрқин далолат ҳисобланади. Сермашақат меҳнат маҳсули бўлган ушбу харидорнинг темирчилик ашёлари кўпчиликини ўзига мафтун қилаётганини боис ҳам уста хунарданд кўплаб иқтидорли ёшлар — шогирдларига устозлик қилиб, хунарнинг мураккаб сирлари маҳоратини эринмай ўргатиб келмоқда.

Мухаббат КАБИБУЛЛАЕВА

Алоқа

СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК ЯНАДА ОШАДИ

МАМЛАКАТИМИЗГА ИЛК ТЕЛЕФОН ХИЧ АСР БОШЛАРИДА КИРИБ КЕЛГАН БУЛСА, ЙИЛЛАР ЎТИБ БУ АЛОҚА ВОСИТАСИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА РИВОЖЛАНИШИ БОИС ЎТГАН АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА УЯЛИ ҚЎЛ ТЕЛЕФОНЛАРИ ЮЗАГА КЕЛДИ. ЎЗБЕКИСТОНДА ДАСТЛАБИ УЯЛИ АЛОҚА ЧАМАСИ БУНДАН 15 ЙИЛЛАР ИЛГАРИ ПАЙДО БЎЛДИ.

Бугунги кунда абонентларнинг уяли телефонга бўлган эътиёжи кундан-кунга ортиши, қолаверса, давлатимиз томонидан четдан сармоялар кириб келишига яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланаётган инвесторлар ҳисобига республикада бу соҳада ҳам рақобат бозори шаклланиб бормоқда.

Хозирда бу борада Ўзбекистонда Uzdurobita, Coscom, Unitel, Sarkor telekom, Perfektum nobile, Buzton сингари йирик компаниялар фаолият юритмоқда. Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, уларнинг хизмат кўрсатиш доираси 1 миллион 150 минг абонентни ташкил қилади.

Жанубий Кореянинг «Юнител» компанияси бизда иш бошлаганига ўн йилга яқинлашмоқда. Шу вақт мобайнида мазкур компаниянинг 350 нафар юқори малакали ходимлари 375 мингдан ортиқ абонентга хизмат кўрсатиб келишмоқда.

«Юнител» компанияси шаҳарлараро ва давлатлараро хизмат кўрсатиш фаолиятига эга бўлиб, 61 та мамлакатда роуминг хизмати жорий этилган, яъни абонент уяли алоқа телефонида ёнида олиб юриши, бемалол мулоқот қилиши мумкин, — дейди компания бош директори Николаос Манасис. — Ўтган йили 30 миллион АҚШ доллари миқдоридagi инвестиция ҳисобига 355 та янги станциялар сотиб олинди. Компаниянинг пойтахтда 22 та, вилоят шаҳарларида — 82 та бўлимлари бўлиб, алоқа сифатидан абонентларимиз мамнундир.

Яқинда юртимизда фаолият юритаётган мазкур «Юнител» масъулияти чекланган жамиятининг Нью-Йорк фонд биржасининг листингига киритилган уяли алоқа оператори «Вымпелком» томонидан сотиб олинishi юзасидан олиб борилаётган музокаралар Россиянинг ушбу машҳур компанияси манфаати устун келган ҳолда ўз ақинини топагани маълум қилинди.

Дарҳақиқат, «Вымпелком» Россиянинг йирик компанияси ҳисобланади. 232 миллион аҳолига хизмат кўрсатиш қувватига эга бу компания бугунги кунда минтақанинг 78 та вилоятида 136,5 миллион абонентга хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, Қозғистон, Тожикистон, Украина ҳамда юртимизда ҳам самарали фаолият юритиб келмоқда. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, унинг акциялари дунёда ВПН, яъни энг эътиборли кишилар белгиси билан харидорлигидир.

Илк марта «Вымпелком» Ўзбекистон бозорида бир йил аввал — 2005 йилнинг январь ойида «Бақри Ўзбекистон Телеком» («Бузелт») МЧЖни сотиб олиш юзасидан келишувга эришиб қириб келган. «Юнител» — юзаси республикамиздаги иккинчи лойиҳаси ҳисобланади.

Компаниянинг вице-президенти Сергей Авдеевнинг ахборотига кўра, «Вымпелком» Ўзбекистонда янада сифатли алоқа ўрнатиб, абонентларга истак-хоҳишларидан келиб чиққан ҳолда қулай, оддий ва арзон тарифлар жорий этиш, замонавий технологиялар киритиш, юқори даражада хизмат кўрсатиш, ишончли ва ўзаро манфаатли шерикчиликни ривожлантириб мустахкамлаб бориш, шунингдек энг жозибадор иш берувчи сифатида етакчиликка интилиб максимал самарадорликни таъминлаш каби устуворликларни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

«Юнител» номи сақланиб қоладими ёки «Вымпелком»нинг «Билайн» бренди юритилади, деган савол кўпчиликни қизиқтириши ўринли, албатта. Аммо, бизга маълум бўлишича, бу ҳақда ҳамкорлар хали бир тўхтамаг келишмаган.

Шаҳно ҚОШИМОВА

ТАНЛОВ ФОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

ПОЙТАХТДАГИ «ГРАНД МИР» МЕҲМОНХОНАСИДА РЕСПУБЛИКА МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛГАН АТРОФ-МУҲИТ МУСАФОЛИГИНИ САҚЛАШГА БАҒИШЛАНГАН «ЭНГ ЯХШИ РАСМ ВА УНИНГ ЭНГ ЯХШИ ИЗОҲИ» ТАНЛОВИ ЯҚУНЛАРИГА ТАНИШЛАНГАН ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ.

Ўзбекистон Республикасининг «Чинкиндилар тўғрисида»ги қонунини амалга ошириш механизмини такомиллаштириш мақсадида 2004 йилда Ўзбекистон Табиати муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ҳамда БМТнинг Тараққиёт дастури ҳамкорлигида «Чинкиндиларни бошқариш» лойиҳаси иш бошлаган эди. Тадбирда сўзга чиққанлар лойиҳа доирасида олиб борилаётган ишлар хусусида иштирокчиларга маълумот беришди.

Республикамизда ҳар йили 300 миллион куб метр атрофда маший, 100 миллион куб санот чинкиндилари ҳосил бўлади, — деди лойиҳа раҳбари Р.Маматқуллов. — Уларни қайта ишлаш ва бартараф этишда маълум чора-тадбирлар кўрилиши лозим. Лойиҳанинг асосий мақсади ҳам шунга қаратилган. Лойиҳа доирасида қатор тадбирлар, семинарлар ташкил этилди. Асосий мақсадимиз ҳам Ўзбекистонда Чинкиндилар бошқаруви бўйича миллий стратегия тузиш ва ўша стратегия асосида биринчи беш йиллик ҳаракат режасини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадбирда «Таъсирчан тасвир», «Ижодкорлик», «Фантазия», «Энг ёш иштирокчи» йўналишлари бўйича аниқланган голибларга Фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

«Туркистон-пресс»

ИСТАЙМИЗМИ, ЙЎҚМИ ОРАМИЗДА КЎПЧИЛИК ИНСОНЛАР ТУРЛИ КАСАЛЛИКЛАРДАН АЗИЯТ ЧЕКИБ ЮРИШАДИ. ҲАР БИР КИШИ ЁШЛИГИДАН ТО КЕКСАЙГУНИГА ҚАДАР БЎЛГАН ПАЙТ ОРАЛИГИДА УМУРТҚА ПОГОНАСИ ЭКИ БЎҒИМЛАРИДА ОҒРИҚ АЛОМАТЛАРИНИ ҲИС ҚИЛАДИ. КЎПЧИЛИКДА БЕЛ ОҒРИГИ КУЗАТИЛАДИ, КАМ ҲАРАКАТЛИЛИК ОҚИБАТИДА МУШАКЛАР СУСАЯДИ, БЎҒИМЛАР ҚОТАДИ, СПОРТ БИЛАН КУЧЛИ ШУҒУЛЛАНИШ НАТИЖАСИДА ҲАМ МУШАК ВА БЎҒИМЛАРДА ОҒРИҚ ЮЗАГА КЕЛАДИ.



2006 — Хомийлар ва шифокорлар йили

КИНЕЗИТЕРАПИЯ МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

Умуртқа погонасидаги ўзгаришлар, остеохондроз, сколиоз, бўғим касалликлари, мускулларнинг қуриши, артрит, артроз каби кишига қийноқ берувчи бундай касалликларнинг эмлаш ва дориларсиз давоси борми? Албатта бор. Бу даво кинезитерапиядир.

Машҳур рус врач Сергей Бубновский кўп йиллардан буён умуртқа погонаси ва бўғимлардаги касалликларни фақат ҳаракатлар орқали даволаш йўлини топди. Ҳаракат, тўғри нафас олиш, биоқувватнинг тикланиши, рус ҳаммоми, бўғимлар машки, бўғим массажи — буларнинг бари кинезитерапияни ташкил қилади.


Инсон дори-дармонлар, шифокор маслаҳатлари билан умуртқа ва бўғим касалликларидан умрбод халос бўлмайди. Касаллик яна қайтади, дорилар ҳам фойда қилмай қолади. Россиядаги Бубновский кинезитерапия марказида даволанганлар эса бу дарадан машқлар, ҳаракатлар ёрдамида шифоланадилар.

Яқин кунларга қадар Марказий Осиёда, фақат Қозғистонда ана шундай марказ фаолият юритган бўлса, бугунги кунда юрти-

мизда ҳам Бубновский кинезитерапия маркази иш бошлади. «Smart nature» масъулияти чекланган жамияти сайёҳаракати, Яққасарой тумани ҳокимлигининг қўллаб-қувватлаши натижасида шаҳримизнинг сулим Бобур боғи ичида ушбу марказ клиникаси қад ростлади.

Клиникага Россиядан лизинг асосида Италиянинг замонавий тренажёрлари келтириб ўрнатилди. Кунига 50 нафардан зиёд киши шугулланиши учун мўлжалланган бу марказдан шейнинг хонаси, сауна, сув ҳавзаси, ювиниш, массаж хоналари ҳам ўрин олган.

Клиникада беморлар 12 кун доимий даволаш курсларини ўтайдилар. Ушбу марказда шифокор, услубий назорати муҳим ўрин тутди, — дейди Бубновский кинезитерапия маркази директори Эркин Худоберов. — Марказда иш бошлаган 2 нафар шифокор, 2 нафар йўриқчи 24 кун Россияда малака ошириб қайтидилар. Клиникамизда 13 та тренажёр ускуналари ўрнатилган бўлиб, улардан биттаси кўп функциялидир. Битта ушбу ускунанинг қида 180 дан ошиқ



машқларни бажарса бўлади. Шаҳримиз ва республикамиз аҳолиси соғлигини тиклашга мўлжаллаб ташкил этилган ушбу клиниканинг очилиши муносабати билан тумандаги кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар учун «Табасум» кафеда дастурхон ёзилди.

Орагул РУСТАМОВА

СУРАТЛАРДА: клиниканинг очилишидан лавҳаларда. Рустам Шагаев (ЎЗА) олган суратлар

Анжуманлар

ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИДА «ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ» МАВЗУСИДА РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Талаба қизларимизнинг маънавиятли, юксак интеллектуал салоҳиятли, етук мутахассис бўлиб етишишлари учун Республикамизда амалга оширилаётган салмоқли ишларни муҳокама қилиш, айрим муаммоларни бартараф этиш йўлларини излаб топиш, уларни ҳаётга татбиқ этиш, хотин-қизларнинг фан ва техника тараққиётидаги ютуқларини оммалаштириш ҳамда олий ўқув юрларида таълим олаётган талаба қизларимизни оилавий ҳаётга тайёрлаш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммоларни таҳлил этишни мақсад қилиб қўйган ушбу анжуманининг бошланғич кўп масалаларнинг моҳиятини очиб беришга ёрдам қилади. Унинг очилиши ва ялпи мажлисида Республика хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Г.Маъруфова, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдурахимова, Тошкент Давлат техника университетининг ректори, профессор Ш.Шообидов, Республика «Оила» илмий-амалий маркази директори, профессор В.Каримова, Тошкент Давлат техника университети проректори, профессор К.Норкулова, кафедра муdiri Ф.Примова, докторант А.Г.Нуриддинова, магистрант Г.Турғунбоева ва бошқаларнинг «Олий ўқув юрларида талаба қизларни оилавий ҳаётга ижтимоий, психологик жиҳатдан тайёрлашнинг устувор йўналишлари», «Оилавий ҳаётга қизларни тайёрлашда аёлларнинг роли», «Илм-фан ва таълим равнақида хотин-қизларнинг ўрни», «Ёшлар онгидида мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва ривожлантиришда оиланинг ўрни» каби маъруза ва бошқа илмий чиқишлар бўлди.

Анжуманда «Фан ва техника тараққиётида олимпиадаларнинг ўрни» мавзусида университетнинг кафедралари, факультетларидаги илмий ҳаётни ўзда ахс эттирган стенодлар, кутубхона томонидан ташкил қилинган шу мавзуга бағишланган китоблар кўргазмаси хотин-қизларнинг фаолиятини, устозлар ишининг давомийлигини, кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширишда кафедралар илмий-педагогик салоҳияти даражасини яқол намоён этди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ,
Тошкент Давлат техника университети
доценти

ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИДЛАРИ

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ ҲИСОБЛАНАДИ. ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ТАРИХИ УЗОҚ ЎТМИШГА БОРИБ ТАҚАЛСА-ДА, ҲОЗИРГИ ЗАМОН ТУШУНЧАСИ XVIII АСРДА ПАЙДО БЎЛГАН ВА «МУЛҚДОР» ИБОРАСИ БИЛАН БИР ХИЛДА ТУШУНИЛГАН. ТАДБИРКОР БОЗОРДАГИ ТАЛАБНИ ҚОНДИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ОЛДИНДАН КЎРА ОЛАДИ ВА УНИ ҚОНДИРИШ УЧУН САРМОЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛАДИ, ИШЧИ КУЧИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВОСИТАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИДА БИРЛАШТИРАДИ.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган мулк ва бошқа бойликлар тадбиркорлик фаолиятисиз ўзини иқтисодий жиҳатдан тўла намоён қилмайди ва шубҳасиз, товар ишлаб чиқарувчиларга етарлиқ даромад келтирмайди. Бу фаолият тушунчасининг мазмуни қуйидаги вазифаларни аниқлаш билан тушунилади.

Тадбиркор — фойда олиш мақсадида товар ишлаб чиқариш жараёнида ер, сув, капитал ва меҳнат ресурсларини бирлаштириш билан бирга ишлаб чиқаришнинг ҳаракатлантирувчи кучи ва ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун бошқа ресурсларни бир жойда уйғунлаштирувчи ташаббускордир.

Тадбиркор — бизнесни юритиш, фойдани кўпайтириш бўйича асосий қарорлар қабул қилади, бу қарорлар корхона фаолиятининг мақсадини аниқлаб беради. Тадбиркор — юқори фойдага эришиш мақсадида янги маҳсулотлар, янги ишлаб чиқариш технологияси ёки бизнес ташкил қилишнинг янги шакллари тижорат асосида жорий қилишга ҳаракат қилувчи ташаббускор шахсдир.

Унинг ривожланиши хўжалик юритиш субъектларида, хўжалик юритишнинг ў ёки бу турини танлаш бўйича, ишлаб чиқариш дастурини шакллантириш, мослаштириш, манбаларни танлаш, ресурс топиш, махсулот сотиш, баҳо белгилаш, фойдани тасарруф қилиш қабилир бўйича маълум ҳуқуқ ва эркинликлар мавжуд бўлишини тақозо этади.

Хўжалик юритиш йўлини эркин танлаш, даромаднинг инвестициялаш имкониятларини реал таъминлайдиган маълум иқтисодий муҳит ва ижтимоий-сиёсий шароит яратиш, мулкчилик ва ўзлаштиришнинг турли шакллари ривожланиши сифатида майдонга чиқади.

Етарли молиявий манбалар, маълумотлар ва малакали тайёргарлик, умумий тижорат қонунчилиги, солиқ бўйича имтиёзлар, тадбиркорлик муҳити ва уни ривожлантиришда жамият манфаатдорлигининг мавжуд бўлиши тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий омилларидир.

У.ҲОШИМОВА,
талаба

ПОЙТАХТДАГИ «ЎЗЭКСПОМКАЗ»ДА «ҚУРИЛИШ ВА ИНТЕРЬЕР, ИСИТИШ ВА ВЕНТИЛЯЦИЯ — UZBUILD 2006» МАВЗУИДАГИ ЕТТИНЧИ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛДИ.

Кўргазма Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Ўзқурилиш материаллари» акциядорлик компанияси, Савдо-санот палатаси ҳокимлигида ПЕ Uzbekistan ва ПЕ Group Plc (Буюк Британия) халқаро кўргазма компаниялари томонидан ўтказилди. Унда Ўзбекистон, Россия, Хитой, Австрия, Белоруссия, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Италия, Польша, Финляндия, Чехия, Туркия, Украина, Жанубий Корея, Швеция каби

«UZBUILD — 2006» ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАДИ

жами 17 мамлакатдан саксондан ортиқ компания иштирок этди. «Туркистон-пресс» муҳбири Тошкентда ўтказилган «Ирригация ва қурилиш кўргазмалари ва ярмаркаларининг фаол иштирокчиси Польшанинг компания ва фирмалари хусусида Польша элчихонасининг савдо ишлари бўйича маслаҳатчиси Марк Пионтэк билан сўбатлашди.

Еттинчи бор ўтказилаётган мазкур кўргазмада ҳам кўпгина польшалик қурилиш компаниялари иштирок этмоқда. Шунга қараб, «Група 3Д» ҳамда «Аргентал Колдинг» фирмалари тақдир қилаётган тиббиёт марказлари ва лабораторияларини қуриш ва уларни жиҳозлашга оид лойиҳалар истиқболли ҳисобланади. Тошкентда ўтказилган аввалги

римиш исботидир. Ушбу ташкилот томонидан Самарқанддаги «Президент отель», Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги буносининг қурилиши амалга оширилди. Ҳозирги пайтда «BUDIMEX» қурувчилари Бухоро шаҳридаги «Бухоро турист» меҳмонхонасини реконструкция қилишмоқда. Бундан ташқари, Шаҳрисабзда янги меҳмонхона буносини қуришмоқда. Бу лойиҳалар ҳуқуқматларга кредит битимлари доирасида амалга оширилди.

М.Пионтэкнинг фикрича, «GRUPA 3Д» ҳамда «Argental Colting» фирмалари тақдир қилаётган тиббиёт марказлари ва лабораторияларини қуриш ва уларни жиҳозлашга оид лойиҳалар истиқболли ҳисобланади. Тошкентда ўтказилган аввалги

кўргазмадан сўнг Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ушбу йўналиш бўйича ҳамкорлик имкониятлари кўриб чиқилди. —Ўзбекистон бозорига польшалик ишлаб чиқарувчилар тақдир этилган лак-бўёқ маҳсулотлари, қурилиш қоричмаси, керамика маҳсулотлари, сантехника жиҳозлари ва бошқа қурилиш молларига талаб катта, — деди М.Пионтэк. — Улар юксак сифатлиги ва нархининг ҳаммаблаглиги билан истеъмолчилар диққатини ўзига тортмоқда. Бинолар қуриш ва қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш борасидаги ўзаро ҳамкорлик ишлари энди бошлангич деб ҳисоблаймиз.

М.Пионтэк, кўргазмада «EURONAXPOL» компанияси томони-

дан Польшанинг «Cersanit», «Paradyz», «Aspol» ва «Antado» каби йирик фирмаларининг янги маҳсулотлари намойиш этилганини таъкидлади. Жумладан, «KRONOSPAN MIELEC» ва «KRONOSPAN SZCZECINEK» фирмалари тадбирда биноларнинг ички беағи учун фойдаланиладиган ёғоч ва меламинарилланган плиталар, девор панеллари, мебел санати маҳсулотларини намойиш этишди.

У сўзининг якунида «UZBUILD» кўргазмаси ўзбекистонлик ва хорижий компаниялар вакиллари Польша қурилиш санати янгиликлари билан яқиндан танишиш ҳамда ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнаттиш имконини берганлигини эътибор этди.

«Туркистон-пресс»

Танловлар

МОҲИР КЎЛЛАР БАҲС ЮРИТДИ

КЕЛАЖАГИМИЗ ВОРИСЛАРИ ЁШЛАРИМИЗНИНГ КАСБ-ҲУНАРГА МОЙЛИГИНИ, ЛАЁҚАТЛАРИНИ, БИЛИМ ҲАМДА КЎНИКМАЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР ТАҲСИНГА САЗОВОРДИР.

КУНИ кеча Юнусобод туманида туман халқ таълими бўлими ҳамда «Камолот» ЕИҲ туман бўлими Кенгаши ҳамкорликларида «Моҳир кўллар» кўрик-танлови ўтказилди. Туман мактабларининг 1-4-синф ўқувчилари иштирокида уюштирилган ушбу кўрик-танловни кузатган ота-оналар, ўқитувчилар ва ҳакамлар ҳайъати

аъзолари жажжи кўллар томонидан яратилган бино, ракета моделлари, хунармандчилик буюмлари, бисер ҳамда тўқилган матоларнинг маҳорат билан тайёрланганлигига гувоҳ бўлишди.

— Болажонларимизнинг бошланғич синф ўқувчилари эканликларига қарамай моҳирлик билан тайёрлаган бу-

юмлари мени ҳаяжонга солди, — дейди бу ҳақда Юнусобод туман халқ таълими бўлими услубчиси Фотима Тиллаҳўжаева. — Ёшлар билан мунтазам равишда ишлаш, иқтидорли болаларни излаб топиш ва уларнинг ўз қобилиятларини намойиш этишларига имкон яратиш бизнинг вазифамиздир.

Кўрик-танловдан қайтар эканмиш, иқтидорли, зеҳни ўткир ёшларнинг сафи тобора кўпаяётганлигига, бу борада мутасадди ташкилотлар томонидан ўзига хос ислохотлар амалга оширилаётганлигига ҳамда бу изланишлар албатта ўз самарасини беришига яна бир қарра имонини ҳосил қилдик.

Ёқутхон СУЛАЙМОНОВА

ПАРРАНДА ГРИППИГА ЙЎЛ ЙЎҚ

КЎПЧИЛИКНИ ТАШВИШГА СОЛАЁТГАН ПАРРАНДА ГРИППИ ХАВФИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УНГА ҚАРШИ ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ БЕЛГИЛАШ БОРАСИДА ОРОЛБЎЙИДА ҚАНДАЙ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА? УШБУ САВОЛГА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА БОШҚАРМАСИ БОШЛИГИ ЗИЁВУДДИН БОБОНАЗАРОВ ЖАВОБ БЕРАДИ:

— Очиғи, жажон ҳамжамиятини ташвишга солаётган парранда гриппининг худудимизга кириб келиш хавфи бартараф этилган. Шундай бўлса-да, Қорақалпоғистоннинг қўшни давлатлар билан чегарадошлигини ҳисобга олиб, ташқарида келтириладиган озиқ-овқат маҳсулотларини каттиқ назорат остига олдик. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимиз худудига тирик товуқ, товуқ гўшти, тухум ва улардан тайёрланган маҳсулотларини олиб киришни вақтинчалик таъқиқлаш тўғрисидаги тегишли қарори фаолиятлиги учун дастурланма бўлмоқда.

Бугунги кунда республикамизда 9 та чегара божхона маскани фаолият юритмоқда. Айнаи дама уларда назорат ҳар қачонгидан-да кучайтирилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Карантин хизмати ва Санитария-эпидемиология маркази билан ҳамкорликда товуқ ва товуқ гўшти ҳамда тухум ва улардан тайёрланган маҳсулотларнинг ташқарида кириб келишини вақтинча тўхташ борасида тегишли тадбир ишлаб чиқилган. Қозғистон ва Туркменистон давлатлари билан чегарадош худудларда бу ишлар талаб даражасида амалга оширилмоқда.

Қўшни Туркменистон давлати билан 200 километрлик чегарамизда илгари тўрт жойда божхона маскани бор эди. Эндиликда фақат битта божхона масканидан автоулоқ ва одамлар ўтказилапти.

Божхона хизмати ходимлари томонидан асосий эътибор аҳоли ўртасида кенг тушунириш ишларини олиб боришга қаратил-

моқда. Тез-тез маҳаллий матбуот нашрлари, телевидение орқали чиқиш қилиниб, бу борада маълумотлар бериб боришмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат. Бугунги кунда тадбиркорлар кераклиқ ахборотлардан доим бохабар бўлиб, бирон бир маҳсулотни мамлакатга киритиш тақиқланса, бундай ишга қўл уришдан ўзларини дарҳол тиядилар. Акс ҳолда қонунда белгиланган тартибда жавоб беришлари лозимлигини яхши ангайдилар.

Парранда гриппи ҳақида жажон оммавий ахборот воситалари бонг ура бошлаганидан буён божхона масканлари орқали парранда маҳсулотларини чегарадан олиб ўтиш ҳоллари деярли кузатилмади.

Оролбўйида табиий қўлларнинг қўлиги ёввойи қўшлар қўниб ўтиши учун жуда қулай шарт-шароит

туғдиради. Шу боис, эрта кўкламда Хиндистондан ва Арабистондан, кеч қондан Қозғистон ва Россиядан учиб келаётган қўшлар бизнинг улкамизда тўхтаб, дам олиб, озиқланиб, яна учиб кетадилар.

Бу ҳол ҳам парранда гриппининг тарқалиши учун бир омил бўлишини ҳисобга олиб, чегара туманлардаги табиий қўшлар каттиқ назорат остига олинди. Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, овчилар уюшмаси билан ҳамкорликда учиб келаётган қўшларнинг ҳисоб-китобини олиш, уларда касалликнинг бор-йўқлигини аниқлаш режалари ишлаб чиқилди.

Албатта, чегараларимиз мустаҳкам, ташқарида ҳар қандай юқумли касаллик кириб келишининг олдини олиш бўйича қатъий чора-тадбирларни кўряпмиз. Бироқ, бу жараёнда фақат тегишли мутасаддилар эмас, балки ҳар бир фуқароимиздан оғоҳлик талаб этилишини унутмаслик лозим.

Ўза муҳбири Аминбой ОРТҚАБОВ ёзиб олди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

ОЗ-ОЗ ҲАҚИДИ ДОМО БУЛАВ...

МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

Агар бўлса фикринг раиятписанд, Балоғат эли бирла жалис авло. Қачон суҳбатинг лойиқи хар лаванд, Тут иликни бўлғоч биров додхох.

МИРИЙ

Эй азиз, сен доимо олим ва фозил кишилар билан суҳбатдош бўлишга интил, нодон ва бадният кишилардан қоч, уларнинг тоифасига қўшилма, сўзларини эшитма, ҳатто, касал бўлиб қолса ҳам кўришга борма! Сен яхши дўстлар топишга урин, улар сени ҳар доим қўллаб-қувватлайдилар.

Муҳаммад ЖАБАЛУДИЙ Чун бу давлат бўлгудек бўлди

муяссар войким, Суҳбатим ул лаҳза толеъ заъфидин бўлди газанд. Хусайн БОЙҚАРО

ХИКМАТ. Бир ҳақим ўз ўлига насиҳат қилиб дерди: «Хар ким билан суҳбатдош бўлсанг, унга дарҳол дўстлик сўзларини изҳор қилма. Синалмаган кишига ишониб бўлмайди. Орадан вақтлар ўтиб, эътиборингга лойиқ бўлса, дўстликка арзишса унга яқинлаш ва барча ишда унга ёрдам қилини чўз!» Байт:

Биров дўстман деса ишонма асло Унинг юрагини қилмай имтиҳон. Агар дўстликка у бўлса сазовор, Суҳбатига фидо айла ҳатто жон. Фақирликда қолса дўстларинг агар, Бисотингда борин айлагин эҳсон!

Муиниддин ЖУВАЙНИЙ

Ғам дафъи учун соғару саҳбо яхши, Ҳамсуҳбат анга надиму доно яхши.

ХУВАЙДО

ХИКМАТ. Оғирчилик ва ғамгинликда қурилган оқил суҳбати баэм ва ишратда ўтказилган жоҳил суҳбатидан афзалдир. Байт:

Суҳбат учун топсанг доно кишини, Ёмонларни яқин йўлатма зинҳор, Дилга ёққан фақир доно суҳбати, Нодон бойдан кўра яхшидир минг бор!

Мажидиддин ХАВОФИЙ

Бир киши Молики Динорнинг суҳбатига борган эди. Қараса, Молики Динорнинг ёнида бир ит унинг тиззасига бошини қўйиб ётган экан. Ҳалиги киши итни ҳайдаб юбормоқчи бўлибди. Шунда Молики унга қараб:

— Эй фалончи! Итга тегма, ундан менга на зарар бор ва на озор, ёмон суҳбатдошдан кўра у билан ўтирганим афзал!—дебди.

Муҳаммад ЗЕХНИЙ

Дафу танбуру бенай суҳбат курмоқ онча хуб эмас, Қил, эй мутриб ғазалхонлик, бу кун айёми ишратдур.

ХУВАЙДО

Эй азиз! Билгинки, ҳақиқий суҳбат одамнинг қалбига қараб бўлади, яъни одамнинг дилидан бировнинг дилига йўл очилмагунча икки кишининг орасида ҳақиқий суҳбат, муҳаббат ва пайвандлик ҳосил бўлмайди. Шунинг учун донолар: «Дилдан дилга йўл бор» деган мақол тўқишган. Дил дилни топгандагина улар бир-бирининг аҳволига тушунади, шундагина ҳақиқий суҳбат, соф дўстлик пайдо бўлади. Жалолиддин Румий ўз маснавийларида покиза суҳбатни қуйидагича таърифлаган. Назм:

Яхшиларнинг суҳбатин кўнглинга сол, Ҳеч ёмоннинг суҳбатин қилма хаёл! Кўр, қизил гул боғ ичин хандон қилур, Мард киши номардни ҳам инсон қилур. Гарчи сен бўлсанг агар мрамор каби, Яхши бирла бўлгасен гавҳар каби!

Муҳаммад ЖАБАЛУДИЙ

ХИКОЯТ. Бир фозил киши бир улуг одам билан доим ҳамнафас, садоқат расмини жойига қўйишда эса бир дақиқани ҳам зое ўтказмас эди. Бир куни ундан: «Фалончининг суҳбат таъсири қай даражада?» деб сўрадим. У деди:

Муҳаббат нуридир кўзда, хаёли доимо дилда,

Эрур жоним томоғимда ани кўрмас эсам бир дам! Мажидиддин ХАВОФИЙ

Мусохиблар кўрубон ёд қилгай, Бузуқ ерларни обод қилгай.

МАЖЛИСИЙ

Азизим! Сен шундай йўл тутки, бу билан сен ҳақиқий одамга айланган, билми ва таъриба соҳиби бўл, яхшилар суҳбатидан ўзинг учун бир натижа чиқар, ёмон кишилар қилаётган ишни қўриб, уларга асло кўнгли берма, бехуда сўзловчиларнинг бемаъни сўзлари юрагингга таъсир қилиб, кўнгли ойнасини хиралантирмасин! Дўстни душмандан айриш йўлини ўрган:

Дўстинг учун жонни фидо айлагин, Дўстингни душмандан жудо айлагин. Яхши ишга ундар дўстинг хар онда, Ёрдам берар ташиш етган замонда!

Хожа Самандар ТЕРМИЗИЙ

Ўзунг мажолисинг ила қарор тут, билсанг, Бўлур қарога сазовор айру чоғида лос.

Шавқий КАТТАҚЎРҒОНИЙ

Махмуд ХАСАНИЙ, Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлаган



Кўнгили изҳори

ХУШ КЕЛИБСАН, ФАСЛИ НАВБАҲОР!

АТРОФГА АЖИБ БИР ИФОРЛАР ТАРАЛМОҚДА. НАСИМЛАР ЭСМОҚДА. ДИЛЛАРГА ЁҚИБ, МАЙИН САБОЛАР АЛЛАЛАР АЙТМОҚДА. ЖУМЛА-Ю ЖАҲОНГА, ЗАМИННИ ЭРКАЛАБ, ОЛАМНИ ҚУЧИБ, БОРЛИҚГА ГЎЗАЛЛИК БАХШИДА ЭТИБ БАҲОР КИРИБ КЕЛДИ ЎЛКАМГА!!!

Қўннинг қировлари тугаб, қорлар эриб битди, аёзлар йитди. Азим киш виқорла атрофга боқиб, сўнгра кўкларга ўрнини бушатди. Фасллар эркаси, фасллар нақши, заминни кўкларга буркаган фаслим қалбларни қитқилаб, юракка ажиб хуш кайфият уйғотган фаслим.

Сени соғингандик, сени кутгандик, қадамингда гуллар очилсин энди, фусун ва чиройинг олам аҳли-

га кўркамлик, нафосат бахш этсин энди. Эзгин хаёлларни тарқ этсин кўнгили, кела қол баҳорим сулув Наврўзгил.

Атрофга боқаман, шабода елар, сочларимни силар майин экинлар, гулу райхонларни эсга солувчи, хушбўй атирларнинг бўйлари эсар.

Эмгир томчилари ювар юзимни, қулгимга чалинар маънос бир наво,

онамнинг алласи бўлиб таралар, кўнгиллрдан ғамни аритган садо. Баҳор нағмалари, баҳор феъллари турланиб, тусланиб келаверади, гоҳ қуёш чарогон этиб оламни, гоҳ ёмғир шариллаб қуяверади. Нима бўлса бўлсин, кўкларга келсин, қучоғида гуллар дастаси билан, болажонлар кийкириб шодон ўйнасин, кўкка парвоз этган варраги билан.

Баҳорим, баҳористоним, борлиқни маъв этган фаслим, қадамларинг қулгуб бўлсин, Ерга сепилган уруғдан дехқон уйи донга тўлсин, саховатинг сехридан сероб бўлсин мевалар, ундан тўйиб-тўйиб есин, кекса-ю ёш, болалар!!!

Гулчехра ДУРДИЕВА

Назм гулшани

БАҲОР КУНЛАРИ...

Баҳор кунларининг ўзи бир олам, Кўнгили сара экиндек тоза. Ям-яшиллик барқ урар бунда Қалб гўёки бермиш андоза.

Ниллий осмон тўла турналар, Соғинчмни олиб қайтади. Юлдузларга лиммо-лим само Тун маҳали эртак айтади.

Баҳор чоғи кулгулар — ирмоқ, Узандан чопиб, тошади. Кўзларимга сиймайди қирғоқ, Нилгоҳим денгиздан ошади.

Юракни чертади илжа бир туйғу, Навдани ёриб кўринар яроқ, Баҳор демак — табиат уйғониши бу Ҳисларим ҳам қоғоздай оппоқ.

Муқаддас ЮСУПОВА



Танловлар БОЛАЛАР ТАСАВВУРИДАГИ ОЛАМ

КУНИ КЕЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР КУТУБХОНАСИДА ҲОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БОЛАЛАР ШОИРИ АГНИЯ БАРТОННИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН "БОЛАЛАР КИТОБ ЧИЗАДИЛАР" НОМЛИ КЎРИК-ТАНЛОВ БЎЛИБ ЎТДИ.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Болалар кутубхонаси, "Росзарубежцентр" ваколатхонаси, Рус маданияти маркази, Россия Федерацияси элчихонаси томонидан ташкиллаштирилди.

Тадбирга 300 нафар болалар чизган расмлардан 100 таси танлов олинди ва улардан деворий кўргазмалар ташкил қилинди.

Кечани мазкур кутубхона директори Фотима Бухарова кириш сўзи билан очар экан шоири Агния Бартонинг болалар адабиётига қўшган улкан ҳиссаси, ёзган асарлари, наинки шоири, балки драматург, киносценарист сифатида тарих саҳифаларида ўчмас аз қолдириб ҳаётининг деярли 40 йилни болаларга бағишлаб ижод қилганлигини айтиб ўтди.

Шунингдек кечада Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси маслаҳатчиси Татьяна Мишковская Агния Бартонинг хаёти ва ижодидаги тўхталиб ўтиш билан бирга Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари ҳақида сўз юритди. Тадбирда Успенский номидаги мусиқа мактаби ўқувчиларининг концерт дастури намойиш этилди.

Кеча сўнгида "Болалар китоб чизадилар" кўрик-танлови гулоблирага "Росзарубежцентр" ваколатхонаси томонидан эсдалик соғвалари топширилди.

Гулнигор САТТОРОВА СУРАТЛАРДА: кўрик-танловдан лавҳалар. Владимир Гранкин олган суратлар

Оғир атлетика

ҲОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

ШАҲРИМИЗДАГИ РЕСПУБЛИКА ОЛИМПИА ЗАҲИРАЛАРИ КОЛЛЕЖИДА 1989-1991 ЙИЛЛАРДА ТУҒИЛГАН ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА ОҒИР АТЛЕТИКА БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА БИРИНЧИЛИГИ БАҲСЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Мусобақаларда 140 га яқин ўсмирлар ва қизлар 11 та вазн тоифасида ўз куч-маҳоратларини кўрсатишиб, ғалаба учун кураш олиб боришди.

Қизлар ўртасида ҳурмат шохсупасининг энг юқори погонасини қуйидаги спортчилар банд этишди. 56 килограмм вазини забт этган фарғоналик Марина Сисоева, зарафшонлик Махлиё Тоғаева, 93 килограмм штангани бўйсундирган Манзура Мамасолиева (Андижон), Гулмира Эргашева (95 килограмм), навоийлик Элмира Рамилёва 159 килограммни кўтарди ва ниҳоят чирчиқлик Камола Сайдалиева 78 килограмм натижа кўрсатиб, олтин нисонлар соҳиблари бўлишди.

Ўсмирлар албатта анча юқори натижаларни кўрсатган ҳолда ғолиб бўлишди. Жумладан, тошкентлик Нодир Ибрагимов 141 килограмм, хивалик Сирожиддин Юсупов 189 килограмм, Самарқанд вакили Муҳаммад Бегалиев — 180 килограмм вазини забт этишди. Бухоролик Нурали Махмудов бир кўтаришда 187 килограмм натижа кўрсатиб, спорт усталигига номзод талабларини бажарди.

Самарқандлик Ақобир Усмонов ўз вазини 85 килограмм бўлгани ҳолда икки курашда 309 килограмм натижа кўрсатиб, мутахассис мухлисларни шод этди.

Турнирнинг ғолиб ва совриндорлари дипломлар ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

(Ўз муҳбиримиз) СУРАТДА: мусобақадан лавҳа. Алексей Попов олган сурат

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

«Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг аукцион савдоларини ташкил қилиш Агентлиги» МЧЖ 2006 йил 11.18.25 апрель кунлари Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг биносида соат 11.00 да АУКЦИОН САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ АУКЦИОН САВДОСИГА ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР ҚЎЙИЛМОҚДА: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани суд ижрочилари бўлинимси томонидан тақдим этилган «Ragandata»/minot-taqsimot va quillish» ЕАЖ тегишли, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Мўминова кўчаси, 1-а-уй манзилидаги ум.майд. 503 кв.м.дан ташкил топган 3 қаватли маъмурий бино сотувга қўйилади. Бошланғич баҳоси 14 121 000 сўм. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан

ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳри, Учтепа тумани суд ижрочилари бўлинимси томонидан тақдим этилган, 4-хонали, ер майд. сатҳи 426 кв.м., ум.фойд. майдони 125,54 кв.м. ва яшаш майдони 88,22 кв.м. бўлган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Раҳимбойев кўчасидаги 31-уй сотувга қўйилади. Бошланғич баҳоси 17 937 500 сўм. Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдоридан гаров пули тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни қабул қилиш савдодан бир соат олдин тўхтатилади. Шунингдек, аввал савдоларга қўйилган ва ўз харидорини топман объектлар, хар ҳафтининг сешанба кун қайтадан аукцион савдоларига қўйилиши мумкинлигини маълум қиламан. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 138-69-70, 138-69-93

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ. Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56. Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 4147 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2. Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

ФУТБОЛ ЗАҲМАТКАШИ ҚУТЛАНДИ

ЎЗБЕК СПОРТИНИНГ ЖОНКУЯРЛАРИДАН БИРИ, ФУТБОЛ ФИДОЙИСИ, СПОРТ ЖУРНАЛИСТИКАСИ ОТАХОНИ АХБОР ИМОМХЎЖАЕВ ЯҚИНДАГИНА 70 ЁШГА ТЎЛДИ.

Шуниси эътиборлики, Ахбор Имомхўжаевнинг спортни, хусусан футболни оммалаштириш борасида шу кунгача амалга оширган ишлари бесамар кетмади. Кун кеча бу жонкуяр инсонга Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойишига биноан «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт мураббийси» фахрий унвони берилди. Миллий Олимпия қўмитасида спорт фахрийлари, мураббийлар ва журналистлар иштирокида ана шу муносабат билан уюштирилган тадбирда сўзга чиққанлар Ахбор ақанинг спорт, хусусан футболни ривожлантириш борасидаги хизматларини эътироф этишди ва футбол фидойисини самимий қутлашди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Мунажжим башорати АЁЛЛАРИМИЗНИ ЭЪЗОЗЛАЙЛИК

8 МАРТ, ЧОРШАҒБА МУНАЖЖИМ СВЕТА ДЕНЬ ВА БОШҚАЛАР БУГҮН БАРЧА АЁЛЛАРИ — ОНАХОНЛАРУ, ОПА-СИНГИЛЛАРИ, ЭНГ КЕКСА БУВИЖОНЛАРУ, ЭНГ ЖАЖЖИ ҚИЗАЛОҚЛАРИ ИНСОНЯТНИНГ ЭНГ НАФИС, ҲАРОАТЛИ ВА ГЎЗАЛ АЙЁМИ БИЛАН ҚИЗГИН ҚУТЛАЙЛАР.

Бугун эркаклар олдиндан ҳамма нарсанинг ғамини еб қўйишган бўлса, ҳаёт гўзалликларидан завқланиш, лаззатланиш, мириқиб байрам қилиш мумкин. Бу - ҳазил эмас, дейишда мунажжимлар, мазак қилиш ҳам эмас. Сиртдан сайёралар бизга жуда ҳам хайрихоҳ бўлишмаса-да, озгина куч-ғайрат сарфлаб, ҳаммаси жойида бўлади.

Шамол дераза ёки эшикларни очиб юбориши бугун яхшилик аломати бўлиб, бахтли ўзгаришлардан, янги танишувлар, мўл-кўлчиликдан дарақдир. Бугун оловнинг ўчиб қолиши, ёнгинлар юз бериши, ўз-ўзидан ўт чиқиб кетиши нохушлик аломатларига кирди.

Сарик, яшил ва олтинранг тусли либослар бугунги кун руҳига месо келди. Қора, қўқ ва қулранг кийимлардан бугунча воз кечиб туринг.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг дистология маркази Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «GASTROENTEROLOGIYA ILMIY MARKAZI»га қўшиб олинди, унинг ҳуқуқларини олувчи саналади. Манзил: Форобий кўчаси, 2-уй.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ. Буюртма Г- 506